



КОРХОНАЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ МИНИМАЛЛАШТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Набижонов Отабек Ганиевич¹

Шавкат Шахноза Пўлот қизи²

Сатторова Сабрина Бобир қизи³

Хужамкулов Зоҳиджон Раббимқул ўғли⁴

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6830762>

ARTICLE INFO

Received: 28th June 2022

Accepted: 01st July 2022

Online: 14th July 2022

KEY WORDS

Кичик бизнес субъектлари, маҳсулот баҳоси, сифат кўрсаткичлари, импорт ва маҳаллий, оптималлаштириш, малакали ишчи, автоматлаштириш, хомашё, асосий воситалар, ижара.

ABSTRACT

Ислоҳотларнинг янги босқичида республикамиз иқтисодиётининг деярли барча тармоқ ва соҳаларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш тадбирларининг кенг қўламда амалга оширилиши рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтирмоқда. Бироқ, бу борадаги жиддий муаммо – айрим маҳсулотларимиз таннархининг юқори даражада қолаётганлиги уларнинг рақобатдошлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунга кўра, Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббусига биноан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” Давлат дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастурда таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш вазифалари қўйилган.

Шунингдек, 2017 йилда саноат тармоқларидаги йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархини ўртача 8 фоизга қисқартириш ва рақобатдошлигини оширишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш. Шу жумладан, маънан ва жисмонан эскирган ускуналарни янгилаш ҳамда модернизация қилиш, ишлаб чиқаришда энергия самарадорлигини ошириш, технологик жараёнларни оптималлаштириш чора тадбирлари белгилаб қўйилган.

Маълумки, ҳозирги пайтда кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган товарларнинг рақобатбардошлиги етарли даражада эмас. Маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлашга иккита асосий омил таъсир кўрсатади. Биринчиси, маҳсулот баҳоси билан боғлиқ омил, яъни маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларига зарар етмагани ҳолда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришга эришиш. Иккинчиси, маҳсулот баҳоси билан боғлиқ бўлмаган омил, яъни маҳсулотга илгари талаб бўлмаган янги



хусусиятларнинг берилиши билан унинг сифатини яхшилашга олиб келишидир.

Сўнги йилларда мамлакатимизда маҳсулот рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўллари билан биригиб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини камайтириш (маҳсулот сифатини туширмаган ҳолда) деб белгиланган. Корхона рақобатбардошлигини ошириш йўллари аниқлашда М.Портернинг рақобат устунликларини таҳлил қилиш орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. М.Портернинг рақобат устунликларининг энг асосийси харажатларни минималлаштириш стратегияси ҳисобланади. Корхонанинг харажатлар таркибини аниқлаш кенг тарқалган усул бўлиб, у ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулотлар таннарх калкуляция ҳисоб- китобининг таҳлили орқали амалга оширилади. Маҳсулот таннархининг хомашёлар таркибини, ундаги импорт ва маҳаллий хомашёлар таркиби ва улушини аниқлаш, таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, корхона рақобатбардошлигини ошириш йўллари аниқлашда маҳсулот таннархида электр энергия қувватлар сарф-харажати ҳамда улушини аниқлаш ва таҳлил қилиш ҳам катта аҳамиятга эга бўлади. Энергия манбалари ва коммунал хизматлар нархларининг асосиз ошишига йўл қўймаслик, корхоналарда технологик жараёнларни оптималлаштириш ҳисобидан маҳсулот таннархини пасайтириш, экспорт нархларини шакллантиришга доир янги механизмларни жорий этиш, маҳсулот таннархи таркибига кирувчи харажатларни асосиз оширилишига

йўл қўймаслик корхоналарнинг молиявий ҳолатини янада яхшиланишига замин яратади.

Корхоналарнинг давр харажатларини оптималлаштиришга катта эътибор бериш лозим. Бунда, авваламбор, маъмурий-бошқарув харажатларини тежаш керак, яъни бошқарув тизимини қайта кўриб чиқиш ва кераксиз бўлган лавозимлардан воз кечиш керак. Шунингдек, корхонада маҳсулот сотиш бўйича харажатларни ҳам тежаш бўйича керакли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши лозим. Бунда, асосан, маҳсулотларни ортиш - туширишда фойдаланиладиган ишчилар қўл меҳнатининг ўрнини техникалар билан алмаштириш, тайёр маҳсулотларни савдо нуқталарига етказишда кам харажатли транспорт хизматларидан фойдаланиш, маҳсулотларни сақлаш, ишлов бериш, саралаш ва жойлаш (ўраш) жараёнларини автоматлаштириш орқали харажат сарфини камайтириш лозим.

Корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархини пасайтириш йўллари излаб топиш лозим. Бизга маълумки, маҳсулот таннархини икки йўл орқали пасайтириш мумкин: биринчидан, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш орқали, иккинчидан, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш орқали. Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имкониятлари мавжуд, лекин бунда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни реализация қилиш имкониятларини ҳам инобатга олиш лозим. Чунки бозордаги маҳсулотга бўлган талабни ўрганмасдан туриб, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб бўлмайди. Ички бозор



билан бир қаторда ташқи бозорни ҳам тадқиқ қилиш ва янги сотиш каналларини очиш корхонанинг бош масаласи ҳисобланиши лозим.

Демак, корхоналарда ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш учун қатор чора - тадбирлар амалга оширилиши лозим:

- маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларини энг охирги фан-техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда автоматлаштириш;
- маҳсулот ишлаб чиқаришда маҳаллий, арзон ва сифатли хомашёдан кенг фойдаланиш;

- ишлаб чиқаришда малакали ишчи кучидан фойдаланган ҳолда меҳнат унумдорлигини ошириш;

- асосий воситалардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш ва ишлаб чиқаришда кам самара бераётган асосий воситаларни сотиш ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектларга ижарага бериш;

- банклар томонидан тақдим этилаётган имтиёзли кредитлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш кабилар шулар жумласидандир.

References:

1. Yaxshiyeva, M. (2019). Корхоналарда ишлаб чиқариш харажатларини минималлаштириш стратегиясининг назарий асослари. Илмий тадқиқотал архиви.
2. Шоалимов А.Х. «Саноат корхоналари хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш». –Т., «Ўзбекистон», 1992.